

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ КАФЕДРАСИ**

**СЎЗЛАРАРО МАЪНОВИЙ МУНОСАБАТ. СИНОНИМИЯ,
АНТОНИМИЯ, ГИПОНИМИЯ, ГРАДУОНИМИЯ ВА ПАРТОНИМИЯ.**

Р Е Ф Е Р А Т

СЎЗЛАРАРО МАЪНОВИЙ МУНОСАБАТ. СИНОНИМИЯ, АНТОНИМИЯ, ГИПОНИМИЯ, ГРАДУОНИМИЯ ВА ПАРТОНИМИЯ.

Режа:

1. Маъновий муносабат тушунчаси ҳақида.
2. Синоним ва унинг туралари.
3. Антоним ва унинг турлари.
4. Градуонимия – луғавий даражаланиш.
5. Гипонимия - тур-жинс муносабати.
6. Партонимия – бутун-бўлак муносабати.

Адабиётлар:

1. Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент, 1981.
2. Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. Тошкент, 1995.
3. Қиличев Э. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Бухоро, 2004.
4. Шоабдурахмонов Ш. ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1980.
7. Турсунов У ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1986.
8. Лингвистический энциклопедический словарь. Москва, 1981.
9. Ахманова О. Лингвистический словарь. Москва 1966.

1. **Маъновий муносабат тушунчаси ҳақида.** Лексик бирликлар лисонда турли семантик муносабатлар асосида ҳар хил парадигмалар ҳосил қилган ҳолда мавжуд бўлади. Синонимик, антонимик, градуонимик, партонимик гипонимик, муносабатлар ана шундай лисоний муносабатлардир.

2. **Синоним ва унинг турлари.** Шаклан ҳар хил, аммо бир тушунчани турли бўёқ ва оттенкалар билан ифодаладиган лексемалар синонимлар дейилади. Синоним лексемалар орасидаги муносабат синонимия ёки синонимик муносабат дейилади. Аслида лексемалар ўзаро семемалари асосида бошқа лексемалар билан маънодошлик муносабатида бўлади. Аниқроғи, кўп семемали лексемалар ҳар бир семемаси билан алоҳида-алоҳида маънодошлик қаторига киради. Масалан, [бола] лексемаси «вояга етмаган» семемаси асосида [норасида], [гўдак] лексемалари билан, «тирик мавжудотларнинг зурриёти» семемаси билан [фарзанд], [зурриёт], [насл] лексемалари билан синонимик муносабатга киришади. Демак, синонимия ҳодисаси ҳақида гапирганда лексик (лексемик) эмас, балки семантик (семематик) синонимия дейиш тўғрироқ бўлади.

Синоним лексемалар семемаларидаги аташ ва вазифа семалари айнан бир хил, бўлиб ифода семалари фарқланади. Мисол сифатида *юз-бет-афт-башара-турк*, қаторидаги лексемаларнинг барчасида аташ семалари бир хил: «одам боши олд томони», «пешанадан ияккача». Аммо ифода семалари ҳар бир лексемада ўзига хос. Аниқроғи, «шахсий муносабат» ҳар бир лексемада бошқа-бошқа намоён бўлган. У *юз* лексемасида «шахсий бетараф муносабат» кўринишда бўлса, *турқ* лексемасида «ўта кучли

шахсий салбий муносабат» тарзидадир.

Маънодошлик қаторидаги лексемаларнинг ифода семалари турли-тумандир. Улардан айримлари қуйидагилар:

1) ижобий ёки салбий баҳо ёхуд муносабат семалари;

2) лексеманинг қўлланиши даврини кўрсатувчи семалар: «эскирган», «янги», «ўта янги», «архаик», «тарихий».

3) лексеманинг қўлланилиш доирасини кўрсатувчи семалар: «шевага хос», «сўзлашувга хос», «китобий», «кўтаринкилик» ва ҳ.

Маънодошлик қаторидаги лексемаларнинг биттаси доминанта (бош) лексема бўлади. Унинг хусусиятлари :

1. Доминанта лексеманинг мазмуни бошқа лексемаларникига нисбатан кейинроқ ва камбағалроқ бўлади. Қиёсланг: *чиройли*, *гўзал* ва *сулув*, Ушбу қатордаги *чиройли* лексемасида *гўзал* ва *сулув* лексемасидага кўтаринкилик бўёғи йўқ.

2. Доминанта лексеманинг қўлланиш доираси ва микдори бошқа маънодошлариникига нисбатан кенг ва кўп бўлади.

3. Доминанта лексема белгиланмаган ифода семасига эга бўлганлиги боис исталган вақтда ўз маънодошларини алмаштира олади.

4. Маънодошлик қатори мансуб бўлган катга тизимга фақат доминанта лексема киради. Масалан, «киши танаси аъзолари» луғавий маъновий гуруҳига юз доминанта лексемаси кириб, *қулоқ*, *бурун*, *лаб*, *қош*, *пешина* лексемалари билан парадигма ҳосил қилади. Бошқа ифода семаси белгиланган лексемалар «бетараф» бўлолмаганлиги боис юқори парадигмага кира олмайди ва уларнинг бетараф вакили бу ҳуқуққа эга бўла олади, холос.

Маънодошлик парадигмаси доимо очиқ бўлади.

3. Антоним ва унинг турлари. (грекча: қарама-қарши ном) лексемалар орасидаги зиддик муносабатидир: *катта-кичик*, *ёш-қари*, *митти-улкан*, *оқ-қора* ва ҳоказо. Антоним лексемаларининг умумий, бирлаштирувчи семалари билан бир қаторда, қарама-қарши семалари ҳам бўлиши лозим. Масалан, *катта* ва *кичик* лексемалари умумий - «сифат», «кўлам» семалари билан бирга, Қарама-қарши - «нисбатан ортиқ» (*катта*) ва «нисбатан катта бўлмаган» (*кичик*) семаларига ҳам эга. Ёки *қиш* - «йилнинг энг совуқ фасли», *ёз* - «йилнинг энг иссиқ фасли», *кирмоқ* - «ичкарига ҳаракатланмоқ», *чиқмоқ* - «ташқарига ҳаракатланмоқ». Антоним лексемаларнинг асосида борлиқдаги қарама-қарши ҳодисаларнинг инъикоси бўлган қарама-қарши тушунчалар ётади. Антоним лексемалар бир турга кирувчи гипоним лексемалардир: *иссиқ-совуқ* (ҳаракат), *катта-кичик* (ҳажм), *эркак-аёл* (жинс) ва ҳоказолар.

Антонимларнинг мантиқий асосини икки тур қарама-қаршилик ташкил этади: а) контрар қарама-қаршилик: б) комплементар қарама-қаршилик.

Контрар қарама-қаршилик деганда даражаланувчи лексемалар қаторидаги тафовутларнинг фарқларга, фарқларнинг зиддият, яъни қарама-қаршиликка ўсиб бориши натижасида биринчи аъзо билан охириги аъзонинг антонимлашувидир. Масалан, *кичик-ўрта-катта*, *ёш-ўсмир-ўрта ёш-қари*

каби, Бунда *кичик* ва *катта*, *ёш* ва *қари* лексемалари даража қаторининг икки карама-қарши кутбини эгаллайди. Қатор аъзолари ўртасида икки антоним аъзо белгиларини ўзнда мужассамлаштирган боғловчи бўлган мавжуд бўлади. Юқоридаги *ўрта* лексемасида *кичик* ва *катта* лексемаларининг карама-қаршилиги сўнади. Демак, лексемаларининг контрар карама-қаршилигини уларнинг даражаланиш (градуонимик) қаторидан излаш лозим.

Комплементар антонимияда карама-қаршилик учинчи, оралик бўғинсиз бўлади: *рост-ёлтн*, *арзон-қиммат*, *осон-қийин*. Бу лексемалар орасида оралик учинчи лексемалар йўқ.

Антонимлар структурасига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1) ҳар хил ўзакли антонимлар: *катта-кичик*;

2) бир хил ўзакли антонимлар: *маданиятли-маданиятсиз*.

Фанда антонимларни фақат сифат ва равиш туркумига хос деб билиш ҳамда уларнинг ҳар хил ўзаклиларини тан олишдек тор тушуниш ҳам мавжуд. Бироқ бу борликдаги карама-қаршиликларни тан олмаслик ёки уларни кўра билмаслик ҳамда уларнинг лисоний тажаллилари моҳиятини илғаб олмасликдан бошқа нарса эмас.

4. Градуонимия – луғавий даражаланиш. Луғавий бирликларнинг ўзаро маъновий муносабатларига кўра маълум бир даражаланиш қаторларини ҳосил этиши фанга қадимдан маълум ва унинг энг ёрқин намунаси «ўрта» сўзини ўз ичига олган сўзлар қаторидир. Масалан: *катта – ўрта – кичик*; *ёш – ўрта – қари*; *узоқ – ўрта – яқин*; *баланд – ўрта – паст*; *уzun – ўрта – қисқа*.

Маълумки *ўрта* сўзи билан ифодаланган маънода ўрталик, оралик, яъни икки бир-бирига зид белги оралиғидаги ҳолатни кўрсатади, *ўрта* лексемаси антонимлар оралиғидан ўрин олса, (*катта-ўрта-кичик*) даражаланиш кам сезилади. Лекин *ўрта* лексемали бирликларни зид белгилар асосида эмас, маълум бир белгининг камайиши ёки ўсиши асосида идрок этилса, маъновий даражаланиш яққол англашилади.

Даражаланиш қатори аъзолари камида учта бўлади.

Даражаланиш муносабатлари билан боғланган сўзлар қаторини а) ғайрилисоний асослар; б) соф лисоний асосларга таяниб ажратиш мумкин.

Ғайрилисоний омилнинг моҳияти шундаки, борликдаги нарса белги-хусусиятларда сифат фарқлари билан бирга микдор фарқлари ҳам мавжуд. Масалан, инсон гўдаклик, ёшлик, навқиронлик, етуклик, қарилик ҳолатларини, ўсимлик навнихоллик, кўчатлик, етилганлик, қуриганлик даврларини бошидан кечиради - организм ўсади.

Градуонимик луғавий қаторларни ажратишнинг лисоний омиллари қуйидагилар: а) маъновий омил; б) сўзлараро парадигматик муносабатлар.

Градуонимик қаторларни ажратишдаги маъновий омилнинг моҳияти шундаки, бир қатор лексемалар семемаларда маълум бир белгининг оз-кўплиги, турли хил даражаларига ишора мавжуд. Масалан, *дарча-эшик-дарвоза* лексемаларининг «Ўзбек тили изоҳли луғати»даги изоҳларини кузатайлик:

1. Дарча - илгари вақтларда дераза вазифасини ўтаган бир ёки қўш

тавақали, эшик ёки деворга ўрнатилган кичкина эшикча (ЎТИЛ, 1,2,12.)

2. Эшик - уй, хона, бино ёки ҳовлининг кираверишида ўрнатилган очиб-ёпиб туриладиган мослама (ЎТИЛ, 11, 457),

3.Дарвоза - ҳовли, қўргон, қалъа, завод ва шу кабиларга кириладиган, очиб-ёпиладиган катта эшик, қопқа (ЎТИЛ 1, 209.) Биз ажратган сўзлар микдорий кўрсаткичларни ифодаловчи лексемаларга мансубдир. Бу *дарча* лексемаси изоҳидаги *кичкина ва эшикча* сўзлари, *дарвоза* лексемаси изоҳидаги *каттага* лексемасидир.

Бошқа бир лексемалар қаторини оламиз: *гулоби-пушти-қизғиш-қизил-ол-қирмизи*.

Бу лексемалар қайд этилган лугатда қуйидагича изоҳланган:

1.Гулоби - гулоб рангли, пушти (ЎТИЛ, 1, 197)

2. Пушти - шафтоли гули рангидаги, оч қизил (ЎТИЛ, 11,608)

3.Қизғиш - қизилга мойил, қизилга яқин рангидаги, қизғимтир (ЎТИЛ, 11,573) .

4 Қизил - қон рангидаги, қирмизи, олволи (ЎТИЛ, 11, 570)

5.Ол - қизил, қирмизи (ЎТИЛ,11,529)

6 Қирмизи - қизил рангли, қизил, ол (ЎТИЛ 1,581)

Бу тавсиф, албатта, мукаммал эмас. Чунки, улар ўзларининг градуонимик тизимидан узиб тавсифланган. Агар улар бир система аъзолари сифатида таҳлил этилса, қуйидаги тавсифларга эга бўлар эди:

1.Гулоби-гулоб рангли, оқдан қизилликка, пуштига мойил бўёқди ранг.

2.Пушти-шафтоли гули рангидаги, оч қизил, гулобидан тўқроқ.

3.Қизғиш-пуштидан тўқроқ, қизиддан очроқ, қизғимтир ранг.

4.Қизил-қон ранг. **5.Ол**-қизилдан тўқроқ рангли.

6.Қирмизи-тўқ қизил рангли.

Бу лексемалар денотатив маъноларидаги рангнинг микдой Оёмаси асосида қуйидагича даражаланади.

Демак, луғавий градуонимик қаторларни ажратиш учун маъновий омил ўзаро яқин тушунчаларни ифодаловчи лексемалар сирасидаги ҳар бир лексемада маълум бир белгининг турлича даражаланишига ишора мавжудлигида намоён бўлади. Шу асосда маъновий омилнинг ўзини иккига бўламиз:

1) бир-бирига яқин ва ўхшаш тушунчаларни ифодалаши;

2) айна бир белгининг турли хил микдорига ишора қилиши.

Градуонимик қатор луғавий парадигмаларга қўйиладиган қуйидаги талабларнинг барчасига жавоб берди:

1) луғавий парадигманинг бетараф етакчи лексема (доминанти) атрофида бирлашиши;

2) луғавий парадигманинг очиклиги;

3) луғавий парадигманинг бошқа каттароқ парадигмалар таркибига етакчи лексема билангина кириши;

4) луғавий парадигмадаги қуршов лексемаларнинг доминант лексема билан осонликча алмаштирила олиши:

Демак, лексемалараро лисоний муносабат саналувчи градуонимия ходисаси бир неча лексеманинг маълум бир белгининг оз-кўплигига қараб, луғавий маъновий қаторда, тизимда намоён бўладӣ ва бунда доминанта ва куршов лексемалари фарқланади. Луғавий градуонимик қаторда диалектиканинг энг умумий қонунлари тажаллиси мавжуд:

а) градуонимик қаторда белгининг даражаланиб, ошиб ёки кенгайиб боришида микдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонуни тажаллиланади;

б) градуонимик занжирнинг икки чекка учи маълум бир белгининг тасдиғи билан бирга, бир-бирини инкор этишида инкорни инкор қонуни намоён бўлади;

в) бир-бирини инкор этувчи (антонимик муносабатда турган) лексемаларнинг бир етакчи лексема (доминанта) атрофида бирлашиб, бир луғавий маъновий қаторни - парадигмани, бутунликни ташкил этишида қарама-қаршилиқлар бирлиги ва қураши қонуни намоён бўлади.

5. Гипонимия – тур-жинс муносабати. Лексемалараро семантик муносабатларнинг яна бир тури гипонимия (аниқроғи, гипо-гиперонимия), яъни тур-жинс муносабатидир.

Гипонимик муносабатда гипероним (жинс) ва гапоним (тур) фарқланади. Гипероним жинс белгисини билдирган предметнинг номини ифодаловчи кўпгина маъноларни семантик жиҳатдан умумлаштирувчи микротизимнинг марказий лексемаси, доминантаси сифатида намоён бўлувчи луғавий бирликдир. Гипоним эса маълум жинс турларининг номларини ҳамда ўзининг семан-тик таркибида имплицит тарзда жинс маъносини ҳам ифодаловчи, семантик жиҳатдан гиперонимга нисбатан бой бўлган луғавий бирликдир.

Гипонимлар тенг ҳуқуқли бўлиб, уларнинг гиперонимга муносабати бир хилдир. Ўз навбатида, бу муносабат полисемия ва омонимия ходисалари билан ҳам боғланади. Масалан, ўзбек тилидаги дарахт номлари дастлаб икки гуруҳга бўлинади: мевали дарахтлар ва манзарали дарахтлар. Мевали дарахтлар ўз мевасининг номи билан аталади. Шунинг учун бу лексемалар кўп маъноли бўлганлиги боис бир томондан *мева*, иккинчи томондан *дарахт* гиперонимлари билан семантик муносабатга киришади: *Мева: олма-ўрик-шафтоли-беҳи. Дарахт: олма-ўрик-шафтоли-беҳи.*

Биринчи қаторда лексемалар «дарахт» умумий, интеграл семаларига эга. Дарахт гипероними жинс тушунчасини ифодаловчи лексема сифатида, биринчи навбатда, шу жинснинг турларини билдирувчи сўзлар билан боғланади. *Дарахт* лексемаси унинг тури номи ўрнида қўлланиши ҳам мумкин. Лекин гипероним гапоним ўрнида қўлланганда унинг моҳиятини ёрқин ифодалай олмайди. Шу боисдан ўз олдида гипонимни аниқловчи сифатида қабул қилади: *ўрик дарахти, шафтоли қоқи* каби.

Гипоним лексеманинг семемаси гипероним лексемалар учун бирлаштирувчи сема бўлиб хизмат қилади. Масалан, *дарахт* гапероним лексемасининг семемаси «танасидан шохланувчи ўсимлик» бўлиб, «қизил,

яшил ёки сарик рангли ёнғокдан пиёлагача бўлган ҳажмдаги серсув мева берувчи дарахт» семемасига эга [олма] лексемасининг «дарахт» семаси дарахт гипероними лексемаси семемасининг семалашган кўринишидир.

Гиперонимнинг маъноси гипоним лексеманикига нисбатан кенгроқ ва хирароқ (ноаникроқ), гипоним лексеманинг маъноси эса гиперонимникига нисбатан торроқ ва ёрқинроқдир. Шу боисдан, айтиш мумкинки, гиперонимнинг маъновий моҳияти барча гипонимларининг маъновий моҳиятлари йиғиндисига тенгдир.

Айтилганидек, дарахт мевали дарахтлар ва мевасиз дарахтларга бўлинади. Демак, борликдаги бу бўлиниш гипонимия ҳодисаси сифатида тилда ҳам акс этади. Бунда *дарахт* лексемаси гипероним бўла оладиган *мевали дарахт* ва *мевасиз дарахт* лексема бўлмаганлиги (сўз бирикмаси бўлганлиги) учун гипоним вазифасини ўтай олмайди. Ўзбек тилида бу тушунчаларни ифодаладиган алоҳда-алоҳида лексемалар йўқ. Демак, гипонимнинг ўрни бўш бўлиб, улар лексик лакуна (бўш хона) лар дейилади. Лексик лакуналарни турли нутқий бирликлар тўлдиравериши мумкин.

6. Партонимия – бутун-бўлак муносабати. Борликдаги барча ашёлар-нарсаси, предмет, буюм бутунлик экан, албатга, улар таркибий қисмларга, бўлакларга бўлинади. Таркибий мураккаблик, бўлакларга бўлинувчанлик борлик ашёларининг умумий қурилиш қонунияти экан, бу қонуният онг орқали лисонда ўз аксини топиши шарт ва зарур. Мисол сифатида «одам» бутунлигини олайлик. Одам бир бутунлик сифатида қабул қилинади, лекин унинг тана аъзоларини алоҳида-алоҳида исмлар билан аташга эҳтиёж сезилади, Бутунни лисоний «бўлиш» ижтимоий зарурият тақозосидир. Бутуннинг бўлаклари ижтимоий қиймат касб этса, у умумистеъмол сўзлари билан номланади. Лисоний ва тиббий «бўлиш» фарқланади, Тиббий бўлинишда инсон танасининг ўн мингга яқин аъзоси, бўлаги ажратилади. Лекин «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да одам ва мол танаси аъзоларини атовчи 103 та лексема мавжуд. Демак, луғавий атовчисиз бошқа аъзоларнинг ажратилиши ижтимоий эмас, балки тор - тиббий аҳамиятга эга.

Маълумки, объектив борликдаги ашёлар орасида бутун-бўлак муносабатлари поғоналидир. Кўринадик, ҳовли борлик воқелига сифатида чексиз бўлакланиши мумкин. Ҳар бир қуйи поғона юқори поғона учун бўлакдир. Воқеликдаги бундай бўлиниш тилда ЛМГларни ташкил этганда ўз аксини топади. Бутун дастлаб шу бутуннинг бўлакларига, бу бўлаклар бутун сифатида бошқа бўлакларга, бу бўлаклар янги бутунлик сифатида янги бўлакларга чексиз равишда бўлиниб кетаверади. Лексемаларнинг партонимик ЛМГларида ҳам шундай бўлиниш воқеланади. Демак, партонимик ЛМГлар объектив борликдаги бутунбўлак поғонали бўлинишини акс этгарган ҳодда тузилади.

Масалан, *одам* тотонимининг партонимлари *бош*, *тана*, *кўл*, *оёқ* каби тўртликдан иборат. Тирноқ бармоқнинг, бармоқ кўлнинг, кўл эса *одрмининг* партонимидир. Одам ЛМГсига *тирноқ* ҳам, *бармоқ* ҳам кирмайди.

1. Партонимлар орасида парадигма аъзоларига қўйиладиган

эслатиш, ўхшашлик муносабатлари мавжуд.

2. Партонимик қаторда доминанта лексема бўлиб, у партонимларни ўз теварагида тўплаб, юқори бутунликка эса унинг ўзи киради.

3 Партонимик ЛМГ ҳар доим очикдир:

Биринчидан, партонимик луғавий парадигмадаги исталган лексема ўзининг синонимик, градуонимик, гипонимик қаторларига эга бўлиши мумкин ва нутқ шароитига кўра ўзи мансуб: ЛМГ таркибига синоним, гипоним, градуонимларини олиб киради. Масалан, *бош* лексемаси ўрнида *калла* лексемаси ЛМГ дан жой олиш ҳам мумкин.

Иккинчидан, жамият тараққиёти натижасида бутуннинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган янги-янги қисмлари очилиб ва номланиб боради.

Учинчидан партонимик луғавий парадигмада лексемалар микдори, уларнинг шакли нисбий эркинликка эга. Масалан, *калла* лексемасининг салбий маъноси таъкидланса ҳам, *бош* ва *калла* лексемаларидан қайси бири доминанта эканлигини очик айтиш қийин.

Партонимиянинг лисоний ходиса эканлигини исботловчи асосий далил тотоним ва партоним орасида семик боғланишнинг мавжудлигидир. Бунинг учун битта тотоним ва унинг бир партоними семантик муносабатини қиёслаб кўрайлик: **одам** - «онгли тирик мавжудот». Семалари: «мавжудот», «тирик, онгли». **Бош** - одам гавдасининг юқори қисми.

Семалари: «юқори қисм», «гавдага тегишли», «одамга хос». Кўринадики, тотоним (одам)нинг семемаси унинг партонимида сема даражасигача кичрайиб намоён бўлади.

Айтилганларнинг барчаси партонимик луғавий парадигманинг лисоний табиатлилигини кўрсатади.

Таянч тушунчалар:

маъновий муносабат, синоним, антоним, гипоним, гипероним, партоним, бутунном, бўлакном, луғавий қатор,

Адабиётлар:

1. Шоабдурахмонов Ш ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т.: 1980.
2. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т.: 2000.
3. Мирзаев М. ва бошқалар. Ўзбек тили. Т.: 1979.
4. Азизов А. Тилшуносликка кириш. Т.: 1977.
5. Қиличев Э. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Б.: 2001.
6. Ҳ.Юсуфий ва бошқалар. Ўзбек тили ва адабиёти. Ф.:2001.
7. Ҳожиёв А. Ўзбек тилида форма ясалиши. Т.:1979.
8. Қўнғуров Р. Ҳозирги ўзбек тилида ўзгармайдиган сўзлар. 1-қисм. С.: 1978.
9. Ўзбек тили грамматикаси. Т. 1975.